SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 23-SENTABR ■ SESHANBA ■ 114 (27.134) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«ЎзДЭУавто» — ЮРТИМИЗ НУФУЗИ

УНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ — МАФТУНКОР «ЛАСЕТТИ» ҲАМ СИНОВЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бугунги кунда чиндан ҳам юртимиз нуфузи бўлиб қолди. Унинг бир-биридан қулай, кўркам ва чиройли «Тико», «Дамас», «Матиз» ва «Нексия» автомобиллари эндиликда жаҳон бозорида муҳим ўрин эгаллаб бормоқда.

Хабарингиз бор, автомобилсозлар Истиқлолнинг ўн икки йиллиги арафасида янги «Ласетти» русумли автомобиль ҳам ишлаб чиқаришди. У бу ерда Корея Республикасидан келтирилаётган тайёр бутловчи қисмлардан йиғилмоқда. Ишлаб чиқариш дастурига кўра йиғув цехида махсус участка ташкил этилди. Малакали ишчи-хизматчилар танланди. Янги иш ўринларига маҳаллий йигит-қизлар қабул қилинди. Мутахассислар хорижда малака ошириб қайтишди.

— Йил охиригача 312 дона янги русумли мафтункор «Ласетти»лар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, — дейди цехнинг илғор ишчиси Маъмуржон Солиев. — Бунгача 111 та «Ласетти» минглаб километр йўл босиб синовлардан ўтди. Энг муҳими, улар АҚШ, Корея, Швеция, Испания, Канада, Австралия, Буюк Британия ва Хитой сингари мамлакатлардаги ўзига хос «имтиҳон»ларда муваффақият қозонди. Биз учун қувончли ва фахрли жойи яна шундаки, Ўзбекистон Кореядан ташқари хавфсизлиги ва шинамлиги юқори кўплаб автоматик мосламаларга эга мазкур автомобилни ишлаб чиқараётган биринчи ва ягона мамлакат ҳисобланади.



...Йиғувчи уста сўзига қўшимча қилиб шуни айтиш кифояки, республикамиз автомобилсозлигининг тўнғич корхонаси — «ЎзДЭУавто» мамлакатимизни жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 та ривожланган илғор давлатлар сафига киритиш билан бирга, иқтисодиётимизни ва ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотларимиз ҳажмини янги, юксак поғоналарга олиб чиқиши, шаксиз.

Замон АЛИ

✧ ✧ ✧

Суратларда: моҳир автомобиль йиғувчи уста Маъмуржон Солиев; «Ласетти» «парвозга» шай; «Ласетти» автомобили йиғув участкаси.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Мамлакатшунослик мавзуидаги викториналар аҳолининг бирон-бир ўлкага нисбатан қизиқишини уйғотибгина қолмай, ушбу давлат тарихи, маданияти ва замонавий ҳаёти ҳақида қай даражада билимга эга эканлигини аниқлаш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОННИ БИЛАСИЗМИ?

Шу маънода, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан «Мульти-Культи» радиостанцияси ҳамда нуфузли газеталаридан бири «Тагесшпигел» ҳамкорлигида «Ўзбекистонни биласизми?» викторина танлови ўтказилди.

Ўн саккиз ёш ва ундан катталар учун уюштирилган мазкур танловда Берлин шаҳри ҳамда Германиянинг бошқа федерал ўлкалари аҳолиси иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра, берлинлик Ханс Гюнтер — Дардеманнлар оиласи мамлакатимиз тарихи, маданияти, иқлими ва табиатига оид туркум саволларга бехато жавоб бериб, етти кун давомида Буюк ипак йўли дурдонаси ҳисобланмиш Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини зиёрат қилиш, ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлиги ва олийҳимматлилигидан баҳраманд бўлиш имкониятини қўлга киритди.

Аслам АКБАРОВ,
Жаҳон АА, Берлин.

ҚИРОЛИЧА ХАЙРИЯСИ

Аввал хабар берилганидек, мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Малайзия Қироли Самарқандга ҳам ташриф буюрганди.

Қадимий Самарқанд сафари давомида Малайзия Қиролининг рафиқаси Қиролича зоти олиялари шаҳардаги 9-болалар меҳрибонлик уйида бўлиб, у ерда тарбияланаётган болаларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишди.

Болажонлар томонидан тайёрланган санъат асарлари кўргазмаси ва концерт дастури меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Қиролича меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 3 минг АҚШ доллари миқдорида хайрия ёрдами кўрсатди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

«ОЗОН ҚАТЛАМИНИ АСРАЙЛИК»

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасида навбатдаги йиғилиш бўлди. БМТ вакиллари, давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ва ишчи-хизматчилар иштирок этган бу йиғилишда замон муаммоси — коинотдаги озон туйнуги билан боғлиқ турли мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ёзувчи Раим Фарҳодий қаламига мансуб «Рустик — ўзга сайёралик» пьесаси Тошкентдаги 18-ўрта мактабда ташкил этилган болалар театр студияси томонидан намойиш этилди. Ўзига хос саҳна безаги билан бойитилган бу томошада табиатни муҳофаза қилиш, ҳавонинг мусаффолигини асраш билан боғлиқ масалалар кўтарилган. Томоша «Озон қатламини асраймиз» деган қўшиқ билан якунланди.

Алония ХАБИБОВА

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Замон Эшонқулов). Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Президент Ислом Каримов Фармони билан бир гуруҳ марҳум олим, адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди. Улар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, шоир ва драматург Шуҳрат (Ғулом Алимов) ҳам бор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адиб хотирасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Озод Шарофиддинов, Саид Аҳмад ва бошқалар Шуҳрат қаламига мансуб асарлар Ватанга муҳаббат, адолат ва эзгуликка садоқат руҳи билан суғорилгани боис кенг китобхонлар оммаси томонидан севиб мутолаа қилинаётгани ҳақида гапирди.

ОЛИМЛАР ТАШРИФИ

Яқинда япониялик тарихчи профессорлар Минори Савада, Хиссао Комацу ва унинг шогирди Яйои Кавахара хоним таниқли бобуршунос, вилоят тарихчилар жамиятининг раиси, фахрий профессор Сайфиддин Жалилов хонадонида меҳмон бўлдилар. Ташрифдан мақсад Андижон олимлари билан алоқа ўрнатиш ҳамда машҳур тасаввуфшунос олим, Бобурнинг пири устози Маҳдуми Аъзамнинг Андижонга алоқадорлигини аниқлаш ва ўрганиш эди.

Тарихчи олим Сайфиддин Жалилов бу улуғ зот ҳақидаги ўзининг тадқиқотлари мисолида Маҳдуми Аъзам ҳазратларининг Андижонда истиқомат қилгани ҳақида меҳмонларга гапириб берди.

Япониялик олимлар эски шаҳардаги Маҳдуми Аъзам маҳалласига бордилар.

Меҳмонлардан бири — Яйои хоним ўзбек тилида бемалол гаплашар экан. У Токио университетининг форс тили факультетини тамомлаб, Шарқшунослик институтида илмий иш олиб бормоқда. Япон қизининг ўзбек тилида равон гаплашиши ва тарихимиз билан шуғулланиши бизда ҳавас уйғотди.

Куни кеча эса домланинг хонадонига ҳиндистонлик олима аёл ташриф буюрди. У доктор Жотона Бакши — Умумҳиндистон илмий тадқиқотлар маркази профессори.

Бир пиёла чой устида олимлар суҳбати қизиди. Домла Бобур номли халқаро хайрия жамғарма фаолияти ва ўзи қатнашган илмий сафарлар ҳақида меҳмонга сўзлаб берди. Маълум бўлдики, ҳиндистонлик профессор хоним Ўш давлат университетига лекция ўқигани келган ва бир вақтда қадимги Фарғона ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Сайфиддин Жалилов ҳиндистонлик олимани қизиқтирган масалалар хусусида устози, қадимшунос академик, марҳум Яҳё Ғуломов тадқиқотлари асосида тушунча берди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 23 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	662,75	1 Польша злотийси	246,52
1 Англия фунт стерлинги	1606,29	1 СДР	1362,32
1 Дания кронаси	150,50	1000 Туркия лираси	0,72
1 БАА дирхами	265,37	1 Швейцария франки	718,01
1 АҚШ доллари	974,63	1 ЕВРО	1117,12
1 Миср фунти	158,73	10 Жанубий Корея вони	8,48
1 Исландия кронаси	12,57	10 Япония иенаси	86,93
1 Канада доллари	725,50	1 Россия рубли	31,89
1 Хитой юани	117,75	1 Украина гривнаси	182,80
1 Малайзия рингити	256,52		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

НУРОТАДА ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

Нурота шаҳарида яна бир коллеж фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалиги, агросаноат тизими бўйича 12 турдаги турдош мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган бу коллеж 900 ўринли бўлиб, ўз бағрига асосан нуроталик, конимехлик, томдилик талабаларни қабул қилди. Уч қаватли ўқув масканида барча қулайликларга эга бўлган синф хоналаридан ташқари талабалар зали, ошхона, тиббиёт бўлимлари ҳам мавжуд.

Музаффар ШАРОПОВ

ҚАШҚАДАРЁ: БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг «Аввал Ватанингни юрагингда қур, сўнг ерга кўчирсин уни қўлларинг», деган шеърий мисралари бор. Уларни ўқиганда нафақат бунёдкорликлар, балки юракдаги орзуларнинг юзага чиқаётгани ҳақида ўйлайсиз. Аввал юракларда қад кўтарган, сўнгра кўзларга қувонч бахш этаётган улкан иншоотлардан тортиб, оддий биноларгача ватанни обод қилмоқда.

— Ободончилик ҳар кунги юмуш, — дейди Китоб тумани ҳокими Луқмон Ғаффоров. — Тоғли ҳудуддаги «Зарафшон» ширкатининг Макрид қишлоғига табиий газ қувурлари тортилди. Китоб шаҳридаги Ҳ.Олимжон маҳалласи гузари ишга тушди. Айниқса, Китобнинг Йўлдош посёлкасига кўчирилган тоғли Қавзахона қишлоғи болаларининг қувончи чексиз. Янги, кўркам уйларда истиқомат қилаётган болалар 160 ўринли мактабда ўқишни бошлаб юборишди. «Қоратоғ» хусусий қурилиш корхонаси қурган бинода барча қулайликлар яратилган...

Ҳа, Қашқадарёда бунёдкорлик авжида. «Шўртангаз» конденсант конида юқори босим берувчи компрессор станцияси қурилиши тугалланди. Нишон туманида яшовчи тадбиркор Ҳамро Гуллиев 28 миллион сўм маблағ сарфлаб замонавий «супермаркет»ни ишга туширди. Қамаши туманидаги Баландчайла қишлоғида қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Вилоятда қисқа фурсатда 18 та қишлоқ газлаштирилди. Саккиз ой ичида капитал қурилиш бошқармаси томонидан 190 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилиб, 100 га яқин иншоот қуриб битказилди. Юракдаги Ватан тобора кўркам ва обод бўлмоқда...

Юнус УЗОҚОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Куни кеча мамлакат пойтахтида «Лукойл Оверсиз Холдинг ЛТД» компанияси ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим лойиҳаларини кўриб чиқадиган махсус Давлат комиссияси аъзолари учун Хаузак, Шоди ва Қандим конлари гуруҳини комплекс ўзлаштириш бўйича сармоялаш лойиҳаси тақдимотини ўтказди.

Мазкур сармоялаш лойиҳаси махсус Давлат комиссияси томонидан техник-иқтисодий асослари ва маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим кўриб чиқилган биринчи лойиҳа ҳисобланади.

Сармоядорлар консорциуми доирасига «Лукойл» билан биргаликда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси киради. Сармоялаш лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари «ЎзЛИТИнефтгаз» институти акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу сармоялаш лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари жуда катта маблағ — қарийб бир миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа бўйича белгиланган конлардан йилига 8 миллиард куб метр газ қазиб олиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа доирасида йилига 6 миллиард куб метр қувватга эга бўлган замонавий газ кимёси мажмуасини қуриш, 244 та қудуқни бурғулаш, турли айланадаги 1500 километрдан зиёд қувурларни ётқизиш, иккита компрессор шахобчаси, йиғма пунктлар, замонавий посёлка, электр узатишнинг юқори вольтли линияси ва электр станциялари, 40 километр атрофида алоҳида темир йўл тармоғи, кўп сонли автомобиль йўллари, олтингугуртни сақлаш учун бир неча омборларни қуриш режалаштирилмоқда.

«Ўзбекнефтгаз» МХК Матбуот маркази

Мурувват ва инсонпарварлик

ТУБСИЗ ЖАР ЁҚАСИДАН ҚАЙТГАНЛАР

ЁКИ АДАШИБ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ГУРУҲЛАР ТАРКИБИГА КИРИБ ҚОЛГАН, ЛЕКИН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИГА КЎРА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИЛГАНЛАРНИНГ БУГУНГИ ФИКР-ЎЙЛАРИ ҲАҚИДА

Инсон боласи борки, умр йўлининг қай бир сўқмоғида адашиши, қоқилиши мумкин. Ҳаётнинг ана шундай лаҳзаларида кимлардир адашиб кирган бегона йўлдан чиқолмай қолади... Ёрдамга муҳтож бўлади. Йиқилганни суямоқ, адашганни тўғри йўлга чорламоқ бани одам фарзандлари учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади. Айниқса, ўзбек халқидай бағри дарё, феъли кенг халқ учун адашганларни тўғри йўлга бошлаш ота-боболар удуми, инсонпарвар анъана саналади.

Аммо адашиш ҳар хил бўлади. Кечиримли адашишлар бор, кечириш қийин бўлганлари бор, кечириб бўлмайдиганлари бор.

Истиқлолимиз арафасида ва ундан сўнг ҳам маълум муддат ислом динига мутлақо зид турли экстремистик оқимлар пайдо бўла бошлади. Муқаддас динимизни ниқоб қилиб олган ақидапарастлар томонидан халқнинг хоҳиш-иродасига, Конституциявий тузумга қарши қабиҳ ҳаракатлар бошланди. Аллақаёқлардан пайдо бўлган «даъватчи»ларга эргашганлар ҳам чиқиб қолди. Иродаси бўш, мустақил фикрга эга бўлмаган ёшлар орасида алдовлар таъсирига тушиб қолганлари бўлди.

Қўқонлик оддий савдогар йигит Ойбек Хўжаев 2000 йилнинг 8 март куни алдовларга учиб, ўз юрти, оиласини тарк этган эди. Бир йилдан ортиқ вақт давомида Афғонистонда дўзах азобларини бошидан кечирди.

2-бет

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

ASIAN CHAMPIONSHIPS UZBEKISTAN 2003



Осиё теннис федерациясининг қарорига биноан икки йилдирки, мамлакатимиз пойтахти Тошкент дунёдаги энг нуфузли мусобақалардан бири — қитъа чемпионатига мезбонлик қилаётир. Ўтган йилги чемпионатда Осиёнинг ўн уч мамлакати теннисчилари иштирок этганди. 20 сентябрь куни старт олган бу йилги баҳсларда эса ўн саккиз давлатдан ташриф буюрган энг кучли ракеткачилар қатнашмоқда.

Мукофот миқдори 100000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур чемпионатда Вадим Куценко, Сарвар Икромов, Денис Исаев, Оқгул Омонмуродова, Иванна Исроилова, Наргиза Раҳмонова сингари ўнга яқин иқтидорли теннисчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

✧✧✧

Суратда: мусобақа қатнашчиси Вадим Куценко.

БИЗНЕС БАНК — ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

BUSINESS BANK

Мурувват ва инсонпарварлик

ТУБСИЗ ЖАР ЁҚАСИДАН ҚАЙТГАНЛАР

ЁКИ АДАШИБ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ГУРУҲЛАР ТАРКИБИГА КИРИБ ҚОЛГАН, ЛЕКИН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИГА КЎРА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИЛГАНЛАРНИНГ БУГУНГИ ФИКР-ЎЙЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Бир куни дўстим И.Иззатуллаев «бизни ички ишлар идораси рўйхатига олишибди, қамашаркан», деган хабар етказди. Қўрқиб кетдим. 8 март куни ўзим ва яхши кўрган қизим билан қўшни Тожикистон ҳудудига ўтиб кетдим, — дейди Ойбек Хўжаев. — Бу ердан бизни турли хил алдов ва таҳдидлар тазйиқида Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрига олиб боришди. Шу ердаги лагерда бизга қурол-яроғ отишни ўргатишди.

Сўнг Кобулга келдик. Шу ерда Тоҳир Йўлдошевни ҳам учратдик. Бу ватан хоинида ўзи туғилиб ўсган юртига, ўз халқига заррача меҳр йўқлигини ўша учрашувда билиб олдим. Менинг «Бизни Ўзбекистонга жўнатиб юборинг, ортиқ бу ерда яшай олмаймиз» деган илтимосимга у рад жавобини берди. Тоҳир Йўлдош мени қамаб қўйишни буюрди. Тушимга кирмаган азоблар, калтаклашлардан сўнг қамоқдан чиқаришди. Ана шунда мен кеч бўлса ҳам бир нарсани англаб етдим, бу ёмон ниятли кимсаларнинг бизга ўхшаган алданганларни лагерларда ушлаб туришдан кўзлаган асосий мақсади хориждаги ўз ҳомийларидан катта пул ишлаб олиш эди. Ўзбекистонлик қочоқларга ёрдам беряпмиз, дея лоф уриб, имкон қадар камроқ ишлатиб, кўпроқ қисмини чўнтакка урар эканлар. Бошқача айтганда улар бизнинг ҳисобимиздан пул ишлашарди.

2001 йилнинг октябрь ойида АҚШ давлати толибонларга қарши уруш бошлади. Юзага келган парокандаликдан фойдаланиб, 2001 йилнинг декабри охирида аёлим билан Покистонга қочиб ўтдик. Минг хил сарсонлик ва азоб-уқубатлардан сўнг Тожикистондаги Ўзбекистон элчихонаси остонасига умид билан қадам босдик...

Яратганга минг марта шукр, Юртбошимизнинг биз алданганларни авф этиш ҳақидаги Фармони муносабати билан ўтган йил август ойида она шаҳримга қайтдим. Бугунги ўтаётган ҳар бир кунимга шукр қиламан. Озод ватанда эминэркин яшаяпман. Ўша ўтган кунларнинг аччиқ алами мени тарк этмайди. Минг пушаймонман... Энг катта орзуйим — юртимдан қарзимни узиш, унга ўла-ўлгунча садоқат билан хизмат қилиш».

— Ҳозир 32 ёшдаман, — дейди Марғилон шаҳар Йўрмадўз маҳалласи М.Шодиев кўчасидаги 20-уйда яшовчи Ҳабибулло Мамажонов, — афсус, ҳаётимнинг 4-5 йили эл-юртим, ватаним хизматига эмас, аксинча, ёлғон ғояларга сарф бўлди. 90-йиллар охирларида бир оддий мусулмон сифатида намоз ўқиб, диний русумларни бажариб юриб бир гуруҳ экстремистлар қармоғига илинганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Отамнинг насиҳатлари, рафиқамнинг мени бу йўлдан қайтаришга қатъий уринишлари ҳам кор қилмади. Мен буткул ўшаларнинг ихтиёрига ўтиб олган эдим.

«Даъват»чилар қаторида юриб халқимга, ватанимга қарши ғояларни тарғиб эта бошладим. Кўп ўтмай бу ноқонуний ишларим ошкор бўлди, устимдан жиноий иш қўзғатилди. Шунда ҳам кўзим очилмади. Кимларнингдир қутқуси, қўрқитуви билан Россия Федерациясига қочиб кетдим. Саратов шаҳрида бир тадбиркорга нолегал тарзида ёлланиб, тикувчилик қила бошладим. Ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумман, тадбиркор иш ҳақи берса беради, бўлмаса йўқ. Бунга ҳам чидаса бўлади, аммо, кекса отам, рафиқам Мавлудахон, уч нафар жажжи, ширинидан-шакар ўғилларим бир зум бўлса-да кўз олдимдан кетмас эди, алам-изтироб дилимни пора-пора қиларди.

Қандай адашдим, ақлим қаерда эди, мени нега ғафлат босди?.. Бу саволлар мени қийнарди. Мусофирликда аста-секин фикрим тиниқлашиб, қандай нотўғри йўлга қадам қўйганим, тубсиз жар ёқасида турганлигимни англай бошладим. Аммо қайтишга қўрқар эдим. Ахир юртим, элимга хиёнат қилдим, уларга қарши бордим. Айбимни тан оламан. Буни кечириб бўладими? Юртга қайтсам қамаб юборишлари тайин... Шундай ўй-хаёл билан юрган кунларимнинг бирида кутилмаганда отамдан хат олдим...

— Президентимизнинг Фармонини газетада ўқидиму, кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди, — дея ҳикоя қилади Ҳабибуллонинг отаси Турсунбой Мамажонов, — Ўғлимнинг ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб ёзган аризаси ижобий ҳал этилди. Унга ўзини оқлаш, гуноҳларини ювиш учун имкон берилди. Мен Юртбошимиз томонидан кўрсатилган бу бағрикенглик хосиятини яхши тушунаман. Бошқаларни билмадиму менинг юрагимдаги мих олиб ташлангандек бўлди. Қай азоб билан умрим ўтарди, ўғлимни, набираларимни кўриш насиб-этармиди, йўқми, худо биларди...

Лекин яна бир гапни айтишни қарз деб биламан. Ўғлимнинг адашишида ота сифатида мен ҳам айбдорлигимни биларди. Президентимиз фақат ўғлимни эмас, мени ҳам кечирди, деб ҳисоблайман. Бошимиздан ўтганлар бизга аччиқ сабоқ бўлди.

Дарҳақиқат, бу адашишлар кўпларга сабоқ бўлди. Сохта ваъдалару пуч ғояларга учиб алданганлар ўз ватанларига қайтишди. Жумладан, террорчилар сафига адашиб кириб қолган, лекин қўлига қон тегмаган Марғилон шаҳрилик Шукрулло Мирзаев, Маҳаммадали Мамадалиев, қўқонлик Нурулло Умаров, Фарҳод Акрамов, Тошлоқ туманилик Шуҳрат Сайфиддинов сингари йигитлар жаҳолат, зулмат бағридан ёруғ, гўзал ҳаёт қучоғига қайтарилганларига шукрона айтишмоқда. Бугун улар турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилишмоқда.

Тўғриси, ушбу мақолани ёзишдан олдин диний ақидапарастлар, экстремистик гуруҳларга адашиб қўшилиб қолган, аммо қўли қон бўлмагани, оғир жиноятларда қатнашмаганлиги учун айбидан ўтилган кўплаб ёшлар билан суҳбатлашдим. Кимдир кўзига ёш олиб, ҳамон тавба-тазарру билан гапиради, кимдир ҳамон бошини эгиб, узр сўрайди, кимдир гапиришга қийналади. Аммо ҳар бири оиласи бағрига қайтганидан бахтиёр.

Марғилонлик Хусниддин Мадумаров, «Хизбут таҳрир» гуруҳига қўшилиб, экстремистик фаолият кўрсатганлиги учун суд ҳукми билан 7 йил, шу шаҳарлик Илҳом Балагабев эса 6 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Уларнинг ўз хатоларини англаб етиб, қилган ишларидан пушаймон бўлиб ёзган аризалари инобатга олинди. Улар амнистия ҳақидаги Фармонга мувофиқ муддатидан илгари жазони ўташдан озод қилиндилар. Бири ҳозир тадбиркор, бири эса ҳунарманд сифатида эл-юрт хизматини сидқидилдан адо этмоқда.

— Биласизми, мен болалигимдан ҳайвонот дунёси, балиқларни яхши кўрардим. Ҳозирда Фарғона шаҳридаги аквариум балиқлари сотиладиган дўконда ишлайман, — дейди Х. Мамажонов, — баъзан ўйлаб қоламан. Биз ахир мамлакатимиз сиёсатига қарши чиқдик. Мавжуд давлат тузумини ағдаришга даъват этдик. Аммо Юртбошимиз бизни авф этди, халқимиз кечирди. Бу бағрикенглик, ишонч олдида бив бир умр қарздорлигимизни сезиб турибмиз. Бу қарзни узиш қийин, албатта. Энди юзимиз ёруғ бўлиши, маҳалла-кўйимизда очиқ чеҳра билан юришимиз учун фақат ҳалол меҳнат, одамларга яхшилик қилишимиз, болаларимизга тўғри тарбия беришимиз керак, деб ўйлайман.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Давлат бошқаруви

ҚАРИНДОШИ — ХАЛҚ, УНВОНИ — ОДОБ

Мустақиллик берган имкониятлар ҳақида кўп гапирилмоқда, ёзилмоқда. Аммо эътибор бериладиган бўлса, истиқлол туфайли воқе бўлган жараёнлар ичида давлат хизматчиси, унинг мақоми, ижтимоий ўзгаришларни таъминлашдаги ўрни ва роли масаласига камроқ эътибор берилаётганга ўхшайди, назаримда. Ваҳоланки, Мустақиллик туфайли **давлат хизматчиси** мақоми жамиятимизда янгича аҳамият касб этиб бормоқда.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз сўзлаган нутқларида халқимизнинг миллий характери ва бошқарув усуллари талабларидан келиб чиқиб, асосий эътибор берилиши керак бўлган жиҳатларни муайян бир тизимга солиб бердилар. Яъни, бугунги кунда одамлар раҳбар курсисида ўтирганлардан биринчи навбатда унинг ватанпарвар ва юртпарварлик фазилатларига эга бўлиши, она юртини чин қалбидан севиши ва ардоқлаши, эл-юрти учун ўзини аямаслиги, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлишини, ўз касб-корининг устаси, шу ишнинг чинакам билимдони, бу борада бошқаларга ўрнак бўлишини кутади.

Хўш, давлат хизматчиси мафкураси (интизом, бурч, давлатга садоқат, миллатга муҳаббат, тадбиркорлик ва ҳ.к.) қандай шакллантирилади?

Аввало, бу борада ўтган давр мобайнида Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида яхши тажриба тўпланди. Академияда шуни эътиборга олган ҳолда, турли маърузалар ва амалий машғулотлар орқали ўзбек халқининг миллий характери, жамият ҳаётига кучли таъсир қилаётган ижтимоий меъёрлар, қонун-қоидалар замирида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва мақбул йўналишда бошқариш асослари ўргатилади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда бошқарувни самарали ташкил қилиш бўйича чуқур билим ва малака ҳосил қилинди.

Иккинчидан, жойлардаги ташкилий кадрлар бўлимлари ҳар бир раҳбар лавозимидаги шахснинг фақат анкета маълумотларини йиғиб қолмасдан, унинг фаолияти давомида бошқарув ва амалиётда эришган аниқ ютуқларини, бевосита унинг раҳбарлиги остидаги ташкилотнинг қўлга киритган муваффақиятларини, иш фаолиятида раҳбаршуносликнинг миллий ва замонавий усулларини нечоғли қўллай билишини кузатиб бориши керак. Уларнинг доимий рейтинг кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, мониторингини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, бошқарув ходимларини доимий равишда аттестациядан ўтказиш, уларнинг шахсий сифатлари, ақлий салоҳияти ва бошқарув маҳоратини белгилаб берувчи махсус тест синовларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш зарур.

Учинчидан, давлат хизматчиси фаолиятини қонуний асосга қуриш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёт мафкуравий иллатлардан ҳоли сақлаш ва фаолиятига, истиқболига ишончни орттириш — давлат хизматчисини мафкуравий тарбиялашдаги таъсирчан воситаларидан биридир.

Маълумки, ҳар бир мамлакатда мавжуд давлат тизимининг ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоячиси биринчи навбатда давлат бошқаруви тизимида ишловчи ходимлардир. Шу боисдан, қадимги даврларда ҳам, замонавий илғор мамлакатларда ҳам давлат хизматчисининг мавқеи ҳар томонлама ошириб қўйилган. Бу бир томондан мазкур хизматчиларни айнан мазкур тизимга моддий ва маънавий боғлиқ қилиб қўйиб, уларни давлат манфаатларининг фаол ҳимоячиларига айлантирса, иккинчи томондан, уларнинг етакчилик мақомлари мустаҳкамланиши ва тан олинишини таъминлайди.

Жамиятимизда «давлат хизмати» нисбатан янги тушунча бўлса-да, у айни пайтда, асрлар давомида тўпланган миллий давлатчилик тажрибасининг узвий бўлагидир.

Давлат хизматчисининг мафкуравий таянчи «Озод ватан, юрт тинчлиги ва халқ манфаатларини» рўёбга чиқаришдек улуғ ғояларда мужассам. Давлат хизматчиси **юрт тинчлиги** деганда кўп миллатли Ўзбекистон халқининг саодатли ва бахтли яшаши йўлида хизмат қилишни тушунади. Ўзбекистонда тинчлик ва тотувлик сақланса, у ўз олдига қўйган кучли давлат ва ҳуқуқий жамият қуришдек улкан вазифани тез уддалайди. Ўтган 12 йиллик қисқа тажрибамиздан бу бизга маълум. Биз бу йилларда кўп миллатли Ўзбекистон жамиятини оломонга хос жунбушлар келтириб чиқариши мумкин бўлган бошбошдоқликлардан барқарорлик ҳамда тинчлик туфайли сақлаб қолдик. Бутун дунё аҳли буни эътироф этди. Ўзбекистондан ўт чиқишини кутганлар ҳам бугун мулзам. Эндиги асосий вазифа бу ўзига хос йўлни изчил давом эттиришдир. Бу билан юрт тинчлиги ғояси кучли тадбиқий механизмга эга бўлади. Давлат хизматчиси бу улуғ ғоянинг энг асосий амалга оширувчиси бўлиб, аввал минтақа миқёсида, кейин дунё даражасида ўзига хос тинчлик ҳимоячисига айланади. Негаки, юрт тинчлиги — мафкуравий кураш майдонидаги энг кучли қуролдир.

Ҳар бир ишни қонунийлик асосида бажариш давлат хизматчисининг халқ манфаатини рўёбга чиқаришдаги бурчидир. Унинг қариндош-уруғчилик туйғуси давлат олдидаги бурчидан устун бўлмаслиги керак. Яъни, унинг ғояси — Ватанга фидойилик, қариндош-уруғлари эса бутун жамият аъзолари бўлиши лозим.

Миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибасидан маълумки, азалдан давлат мулозимлари мустақил фикрлаган, ҳар қандай вазиятда ҳозиржавоб кишилар бўлишган. Давлат танлаган йўлни собит ҳимоя қилиб, ижтимоий бўҳронларда ғолиб чиққан. Натижада қудратли давлатларга эга бўлинди. Собиқ совет тоталитар тузуми даврида бу изчиллик узилиб қолди ва биз нафси ҳакалак отган мансабпарастларга дучор бўлиб қолдик. Бугунги янги давлатчилигимизда ўша умидбахш анъаналарни миллий руҳ ва замонавийлик билан уйғунлаштирган ҳолда тиклаш жараёни кетмоқда. Бу сифат билан давлат хизматчилари миллий ва дунёвий тажрибаларни ўзларида омухталаштирадилар. Бу энг кучли мафкуравий таянчдир. Шу сабабли Президентимиз ҳамиша «Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди» деган ҳақиқатни қайта-қайта уқтириб келадилар. Худди шундай: давлат хизматчиси ўтмишдан сабоқ олиб, бугунни қуради ва келажак ундан нур олади.

Биз ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик. Яъни, мафкуравий курашлар майдонига кириб бормоқдамиз. Бу эса ҳар бир давлат хизматчисидан ўзини касбий такомиллаштириш ва замон талаблари асосида фикрий ва амалий янгиланишларни талаб этади. Бу мафкура, эътиқод даражасига кўтарилиши керакки, Президентимиз таъкидлаганларидек, бу **«ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқоддир».**

Шундай қилиб, давлат хизматчисининг мафкуравий таянчи шу азиз Ватан равнақи ва тараққиётини таъминлашдан иборат. Унинг оиласи — Ватан, қариндош-уруғлари барча ўзбекистонликлардир!

Жалолиддин МАМАШУКУРОВ,
фалсафа фанлари номзоди

Саҳоватпешалар

МАКТАБ — МУҚАДДАС МАСКАН

УРГУТ ТУМАНИДАГИ ҒЎС ҚИШЛОҒИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН АКА-УКА САИДМУРОД ВА АКБАР НУРИЛЛАЕВЛАР БУНИ ТЎҒРИ АНГЛАГАН ОЛИҲИММАТ ИНСОНЛАРДИР.

Мактаб дунё иморатларининг энг қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари ила ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар.

ХХ аср маърифат дарғаларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий озодликка эришишда бош масала сифатида илм ва маърифат йўлини кўрсатганди.

Аср сўнггида халқимизни истиқлолга элтган Президент Ислом Каримов **«Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур»** деб таъкидлаган эдилар.

— Мактабимиз биноси 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, жуда эскирган эди, — **дейди қишлоқдаги 30-ўрта мактаб директори** Сувон Ҳамроқулов — Саидмурод ва Акбар Нуриллаевлар ташаббус қилиб ўз ёнларидан қўшимча синфхоналар қуриб бермоқчи бўлишди. Аммо орадан икки кун ўтиб фикрлари ўзгарди. — Бир йўла икки қаватли замонавий янги мактаб биносини қуриб бера қолайлик, — дейишди улар. Қишлоқ аҳли ташаббусни қўллаб-қувватлади. Халқимиз ҳашарга чиқди. Унда 380 нафардан зиёд киши қатнашган кунлар ҳам бўлган. Икки ярим ой деганда 270 ўринга мўлжалланган мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларига ака-ука Нуриллаевлар 60 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади.

Шундай хайрли ишга қўл урган танти инсонларнинг ўзлари билан кўришишни истаб уйларига бордик. Акбар Нуриллаев билан узоқ суҳбатлашдик. Унинг самимийлиги, қишлоқ одамларига хос содда ва камтарлиги шундоққина юзидан сезилиб турарди. У кишини кўриб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломнинг «яхшиликни чеҳраси очиқ инсонлардан кутинглар» деган ҳадислари хаёлимдан ўтди.

Ака-укалар ота касбини давом эттириб савдогарлик билан шуғулланар экан. Четдан қурилиш моллари келтириб, бу ердан у ёққа турли хўл, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотларни элтиб сотар экан.

— Ота-боболаримиз — **дейди Акбар Нуриллаев** — савдо билан шуғулланган. Биз ҳам шуни давом эттириб кам бўлганимиз йўқ. Аммо у даврларда савдогарлик қилиш ниҳоятда қийин эди. Давлат томонидан йўл берилмас, савдогарлар таъқиб қилиниб хўрланар, одам сифатида қаралмас эди. Шундай бўлгандан кейин одамнинг ранги ҳам чиқмас, бири икки бўлмасди... Бугун давр бошқача. Халол ишлаб хоҳлаганингча пул топ, биров сени «пулинг кўпайиб кетаяпти», ёки «шунча пулни қаердан олдинг?» деб таъқиб қилмайди, шахсиятингга, ғурурингга тегмайди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг эълон қилинганлиги зўр иш бўлди. Қурилиш молларининг арзонлашганлигидан одамлар ҳам хурсанд...

Чалғиб кетдим, шекилли. Хуллас, пул бўлса бор. Имконият етарли. Шу мактабда ўзимизнинг болаларимиз ўқийди. Савдо иши билан юриб кўп жойларни кўрдик. Муҳташам мактабларга ҳавасимиз келарди. Қачон қишлоғимиз болалари шунақа мактабларда ўқиркин, деб орзу қилардик. Бир куни акам билан суҳбатлашиб ўтириб шундай мактабни ўзимиз қурсак, деган қарорга келдик. Кейин Сувон акага маслаҳат солдик. Халқ ҳашарга чиқди... Энди очиқ ва ёпиқ спорт ишоотларини қуриб беришни ният қилиб турибмиз.

2001 йил 25 август куни мактабнинг очилиш маросими халқ байрамига айланиб кетди.

Яхшига бир сўз кор, ёмонга минг сўз бекор, деган эди доноларидан бири. Бу воқеа ғўсликларни янги-янги бунёдкорлик ишларига чорлади. Ҳар ким баҳоли-қудрат ёрдам берди. Ургут туман ҳокимлиги, ХТБ, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳам қараб ўтиргани йўқ. Ғўсликлар яна ҳашарда. Қишлоқдаги бошқа бир — 8-мактабнинг янги биноси қурилиши давом этяпти.

— Қурилишни тугаллаб, 1 сентябрь — байрам арафасида фойдаланишга топширмоқчи эдик, — **дейди қурилиш ишларига бошқош бўлиб турган оқсоқол Мансурхон Асроров.** — Аммо баъзи сабабларга кўра ишимиз бироз орқага сурилди. Энди муаллимларнинг байрами арафасида (1 октябрь) қуриб битказсак керак... Орзумизнинг бир қисми амалга ошди. Мактабнинг бир бўлими ишга тушди.

Қишлоқ чеккасида фойдаланилмай ётган бир дўкон бор эди. Жамолиддин хожи Зиёев ўз ёнидан маблағ сарфлаб қўшимча хоналар қурди. Қарабсизки, тайёр мактаб...

Биз янги мактаб томон йўл олдик. Илм маскани шинамгина, 200 ўринга мўлжалланган экан. Ҳозир у ерда 1-9 синф ўқувчилари таҳсил олаяпти.

Отани уйларидан топдик.

— Илмга, маърифатга хомийлик қилиш қонимизда бор болам, — **дейди Жамолиддин ҳожи Зиёев.** — Ота-боболарим илмли одамлар бўлишган. У вақтларда бунақа мактаблар қаерда эди дейсиз.

— Қанча маблағ сарфладингиз?

— Аниқ билмайман. 10 миллионга яқин кетгандир...

Таълим борасида қилинаётган бундай бунёдкорлик ишларини кўриб, Юртбошимизнинг яна бир пурмаъно сўзларини эслайсан киши: **«таълим ва уни ислоҳ этишга сарфланган маблағ зое кетмайди, аксинча, жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислоҳ этиш учун қудратли, таъсирчан омил бўлади».**



Ғўсга кўплаб зиёратчилар ташриф буюради. Чунки тоғ ёнбағридаги бу қишлоқда ислом оламида шуҳрат қозонган Абдуқодир Гилоний — Ғавсул Аъзам ҳазратларининг қадамжолари ва рамзий қабрлари жойлашган. Ғўсликлар яна ҳашарга чиқди. Уларни туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлаши натижасида ҳазрат Абдуқодир Гилонийнинг рамзий қабри устидаги мақбара янгидан бунёд этилди, атрофи ободонлаштирилди.

Ғўсликлар амалга ошираётган барча ишлар замирида аҳиллик ётади. Мўжазгина Ғўс бозорини оралаб ҳам бунга амин бўлиш мумкин. Вилоятда энг арзон бозор шу, Ғўснинг бозори. Бу ердан қурилиш материаллари, чорва, саноат, деҳқончилик маҳсулотларигача арзон баҳода топиш мумкин. Чунки ғўсликлар молни қиммат ёки устига катта устама қўйиб сотишга қишлоқдошларидан уялади. «Инсофинг борми» деган сўзни уларнинг орияти кўтармайди...

Хуллас, аҳилликнинг хосиятини бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмаслигига шу ерда амин бўлиш мумкин. Қаерда одамлар бир-бирларига меҳрибон бўлса, Аллоҳ уларнинг барчасига меҳрибон бўлади, деганлари ҳақ гап. Йўқса саккизта насос алмашиб сув чиқадиган тоғу-тошларда тирикчилик қилишнинг ўзи бўладими. Ахир бекорга айтишмаган эканларда, аҳиллар аҳдлашса тоғни талқон этар, шаҳарни обод этар, деб.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган Жарроҳлик маркази ва Андижон тиббиёт институти ҳамкорлигида Андижонда «Воҳидов ўқишлари» республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

АНДИЖОНДА «ВОҲИДОВ ЎҚИШЛАРИ»

Унда мамлакатимиз ва қўшни давлатлардан таниқли жарроҳлар, академиклар, В.Воҳидов мактабининг вакиллари иштирок этди.

Тиббиётчилар қорин бўшлиғи аъзолари касалликларини жарроҳлик йўли билан даволаш жараёнида учрайдиган кескин ва танг вазиятлар, травматология, неврожарроҳлик ва анестезиология-реаниматологиянинг долзарб масалаларига бағишланган маърузаларни тинглаб муҳокама қилдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Обод маҳалла — мамлакат кўрки



2003 йил — Обод маҳалла йили. Шундай экан, маҳаллани обод қилиш, кўкаламзорлаштириш ҳар биримизнинг бурчимиз. Шу боис, Жарқўрғон туманида намунали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир маҳаллада қулайликлар яратиш, аҳолининг иссиқ-совуғидан хабар олиш, маҳалла тинчлигини таъминлаш уларнинг асосий вазифасига айланмоқда.

Тумандаги Алишер Навоий жамоа хўжалигининг «Минор» қишлоқ фуқаролар йиғинида 9 та маҳалла бирлашган. Уларда 23536 фуқаро истиқомат қилади. Маҳаллалар газ, ичимлик суви, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Ўтган йили «Жарқўрғон» минораси олдида маҳалла гузари барпо этилган эди. Унда савдо дўконлари, сартарошхона, устахона, ошхона, тикувчилик цехи ишлаб турибди. Бу эса ҳар жиҳатдан аҳолига қулайлик туғдирмоқда.

❖❖❖

Суратларда: *«Жарқўрғон» минораси кўриниши; «Минор» маҳалла гузаридан лавҳа.*

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар



Қинғир иш — келтирар ташвиш

АВВАЛ СОЛИҚ ТЎЛА...

ёки даромадни яшириб тўловларни «унутган»лар хусусида

Ҳар бир ишнинг ўз қонун-қоидаси бор. Жумладан, солиқ тўлашнинг ҳам. Қолаверса, солиқ мажбурий тўлов. Олинган даромаду фойдадан белгиланган тартибда солиқ тўлаб бориш таъбир жоиз бўлса ҳам фарз, ҳам қарз. Зеро, солиқсиз давлат йўқ. Шу маънода фуқароларимиз давлат олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажаришлари шарт.

Бироқ текшириш натижалари шуни кўрсатяптики, баъзида молиявий операциялар бўйича ҳисоботлар кўрсатилмай, даромадни яшириш ҳоллари рўй бераётир.

«Н.Ғофур ота» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси раҳбари Лим Александр Николаевичнинг маълумоти ўрта. Аммо у қинғир иш бўйича «профессор» даражасига етган, десак хато бўлмас. «Пахтабанк»нинг Тўйтепа бўлимида фирманинг ҳисоб-рақами бор. Шунга қарамай Александр Николаевич «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро шаҳар филиалида ўзининг иккиламчи ҳисоб-рақамини очиб «ўйин»ни бошлаган. Дебит ва кредит айланмаси бўйича қарийб бир миллиард сўмлик молиявий операцияларни амалга оширган. «Профессор» фақат шу билан кифояланмаган. У «Н.Ғофур ота» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг учинчи ҳисоб рақамини «Ҳамкорбанк»нинг Тошкент филиалида очиб 2.574.232.479 сўмлик молиявий операцияни бажарган. Александр Николаевичнинг «юраги» катта эканки, иккинчи ва учинчи ҳисоб-рақами орқали амалга оширган банк операцияларини «ким ҳам билиб ўтирибди», дея ҳисоботларда кўрсатмаган. Солиқлар тўланмай, 512 миллион сўмлик даромадни қасддан яширган. Ғайриқонуний ҳаракатлари учун энди Александр Лим судланадиган бўлди.

Шунга ўхшаш «ҳангома» тумандаги «Фозилхон» хусусий чорвачилик хўжалигида ҳам бўлганлиги аниқланди. «Фозилхон» ХЧХ раҳбари Комил Раззоқов фаолияти ўрганилганда атайлаб ҳисобот топширилмаганлиги маълум бўлди. Бунинг оқибатида бюджетга жуда кўп миқдорда зарар етказилган. «Мушугимни ким ҳам пишт дейди», дея ўзига бино қўйиб, тартиб-қоидани бузган фермер энди пушаймон. Вақтида 40 миллион сўмликдан ортиқ солиқ ва бошқа тўловларни тўлаганида ортиқча гап-сўз бўлмасди. Комил Раззоқовнинг қинғир иши ўзига ташвиш келтирди.

Солиққа оид жиноятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам айрим фуқароларимиз қонунни четлаб ўтиш пайида бўлишмоқда. Даромадни қасддан яшириб, ноқонуний иш қилишнинг охири вой. Буни юқорида номлари тилга олинган «профессор-фирмач»ларнинг тақдиридан ҳам билса бўлади.

Шунинг учун энг яхшиси, вақтида солиқни тўлаб борган маъқул.

Лутфулла БАДАЛОВ,
Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлим бошлиғи.

Самарқанд давлат тиббиёт институти 2003 йил аспирантура ва докторантурада ўқиш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. АСПИРАНТУРА

1	Акушер-гинекология	1 ўрин
2	Ички касалликлар	1 ўрин
3	Педиатрия	1 ўрин
4	Травматология	1 ўрин
5	Нейрохирургия	1 ўрин
6	Болалар жарроҳлиги	1 ўрин

2. ДОКТОРАНТУРА

1	Ички касалликлар	1 ўрин

Аспирантурага фақат клиник ординатурани, магистратурани тегишли мутахассисликлар бўйича битирган ёки институтни 1998 йилдан олдин битириб, маълум мутахассислик бўйича кўникма олган номзодлар танлов асосида қабул қилинади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2003 йил 30 сентябргача.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй, Илмий бўлим.
Мурожаат учун телефон: 33-30-34.

Гап резолюция ижросида қолди

БМТ Бош ассамблеяси Фаластин етакчиси Ёсир Арафотни Рамаллоҳдан чиқариб юбориш борасидаги Исроил таҳдидини тўхтатиш масаласи бўйича кўпчилик овоз билан резолюция қабул қилди, дейилади The Telegraph газетаси сайтидаги хабарда.

Исроилнинг Арафотни «бадарға қилиш» борасидаги қарорига қарши 133 та овоз берилди. 4 овоз эса Исроилни ёқлаган бўлса, 15 овоз бетараф қолди. Улар орасида Австралия, Канада, Кения ва Колумбия давлатлари ҳам бор, дея аниқлик киритади Reuters агентлиги.

Маълумки, БМТ Бош ассамблеясининг жума куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари ўнинчи сессияси Араб давлатлари лигаси ва Қўшилмаслик ҳаракати талабига кўра чақирилган эди. Энди эса келаётган жумада «ўртачи» давлатлар ташқи ишлар вазирлари ва БМТ Бош котиби ўзларининг бу борадаги кейинги фаолиятлари хусусида бир тўхтамга келиш учун учрашадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўпгина давлатлар Яқин Шарқдаги вазиятни юмшатиш учун Исроил ва Фаластинга янада қаттиқроқ таъсир чоралари қўлланилишини ёқламоқдалар. Исроил эса аввалгидек Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторида ҳарбий операцияларни давом эттирмоқда.

Қисқаси, халқаро кучлар Исроил ва Фаластин ўртасидаги можароларни бутунлай бартараф этиш у ёқда турсин, ҳеч бўлмаганда бу икки қўшни ўртасидаги муносабатлар бироз илишига туртки беролса қанийди. Энди гап резолюциянинг ижросида қолди.

15 минг ҳарбий жўнатилади

Либерияга 15 минг кишилик тинчлик контингенти жўнатиш масаласи БМТ Хавфсизлик Кенгашида ёпиқ овозга қўйилди. Унинг натижаларига кўра, тинчлик контингенти жўнатилиши маъқулланган. Шундай қилиб, жорий йил охирларидан бу ишга киришилади. Контингент таркибида 250 нафар ҳарбий кузатувчи, 160 нафар штаб зобити ва 1150 тагача халқаро полиция кучлари ҳам бўлади. Шу кунларда Либерияда фаолият юритаётган Ғарбий Африка аскарларидан иборат кучлар ҳам тинчлик контингенти таркибига киритилади, дея хабар беради Reuters агентлиги.

26 киши Isabelнинг қурбони бўлди

Маълумки, пайшанба, жума ва шанба кунлари АҚШнинг шарқий ҳудудларида қутурган довул аралаш бўрон 26 кишининг умрига зомин бўлди. 5,8 миллион идора ва уй электр энергиясиз қолди. Вашингтондан жанубга йўл олган барча поездлар, шунингдек, автомобиль ва жамоат транспортлари ҳаракатдан тўхтади. Талафотлар кўп бўлгани боис, АҚШ Президенти Жорж Буш жума куни Мэриленд штатини табиий офат ҳудуди, дея эълон қилди. Ва федерал кўмак ажратишга қарор қилди. Бу кўмак аҳолини хавфсиз жойларга вақтинчалик жойлаштириш, уйларини таъмирлаш ҳамда талафот зарарини қоплаш учун муомалага киритиладиган кам фоизли заём воситаларини ўз ичига олади. Аввалроқ Шимолий Каролина ва Виржиния штатлари ҳам табиий офат ҳудуди, деб эълон қилинган эди.



Associated Press агентлиги хабар беришича, пайшанба куни АҚШнинг шарқий қирғоқларидан бошланган Isabel довули жума куни Виржиния, Ғарбий Виржиния, Пенсильвания ва Огайо штатларидан ўтиб, Канада ҳудудларигача етиб борган ва секин-аста тўхтаган.

Ҳозир қутқарувчилар хавфсиз жойларга кўчишдан бош тортган 4 минг нафар аҳолининг аҳволидан хабар олиш тадбирларини амалга оширмоқда.

Вашингтонда метро ва бошқа транспорт ҳаракатлари қайта тикланди. Бироқ электр таъминотини тўла тиклаш учун яна бир неча кун керак бўлади.

АҚШ пойтахтидаги довул сабаб тўхтаб қолган барча корхонаю муассасалар ўз фаолиятини бошламоқдалар. Кўчалар қўпорилган дарахтлардан, синган буюмлардан ва умуман ахлатлардан тозаланмоқда.

Қисқаси, бўрон ва довул талафотлари бартараф этилмоқда.

Аввалдан қилинган хомчўтларга қараганда, кўрилган зарар бир миллиард доллардан ортиқдир.

Куба етмиш еттинчи давлатдир

Халқаро Атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ)нинг Венада бўлиб ўтган 47-бош конференциясида Куба ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг қўшимча далолатномасини имзолаган давлатлар сафидан ўрин олди. Шундай қилиб қўшимча далолатномани имзолаган давлатлар 77 тага етди. Бу ҳақда «Новости» агентлиги хабар тарқатди.

Мазкур далолатнома уни имзолаган давлатларнинг ядро объектларида МАГАТЭ инспекторлари кенг қамровли текширув ишларини олиб боришга ваколат беради.

Агентлик бош директори Муҳаммад Ал-Барадей Кубанинг бу қадамидан хурсандлигини изҳор этиб, бошқа давлатларни ундан ўрнак олишга чақирди.

20 долларлик янги банкнотлар

Шу йилнинг 9 октябридан АҚШда 20 долларлик янги банкнотлар муомалага киритилади. АҚШ Федерал заҳира тизими вакили Марша Радхиллнинг маълум қилишича, шу куни янги пул бирлиги барча тижорат банкларига чиқарилади, сўнг эса бошқа шаҳобчалар ҳам таъминланади.

Маълумки, янги «йигирматалик» бундан 4 ой муқаддам жамоатчиликка намойиш этилганди. Ўшандан бери Нашр ва гравировка бюроси 915 миллионлик янги банкнотларни тайёрлади.

Мазкур «йигирматалик» аввалги банкнот ҳажмида бўлиб, унинг юза томонида АҚШнинг еттинчи Президенти Эндрю Жексоннинг портрети (аввалги банкнотдагидек) акс эттирилган. Орқа томонида эса Оқ уй кўриниши тасвирланган.

Банкнотнинг асосий ранглари аввалгидек яшил, оқ ва қорадир.

Суратлардаги айрим ўзгартиришлар ва кўз илғамас янги белгилар уни қалбаки банкнотдан ажратиб туради, дейилади ИТАР-ТАСС агентлиги ахборотида.

Кемирувчиларнинг янги тури

Қирғизистоннинг жанубий вилояти бўлмиш Жалолободда каламушларнинг янгича тури шиддат билан кўпайиб бораётгани қайд этилди. Улар дарахтларга ҳам бемалол чиқа олади, кемирувчиларга қарши ишлатиладиган одатдаги заҳарли дорилар эса таъсир этмаяпти.

Қирғизистон парламенти депутати Давронбек Садирбоевнинг «Интерфакс»га хабар беришича, каламушлар вилоят қишлоқ хўжалигига катта зарар етказмоқда. «Улар айниқса, уй паррандаларига қирон келтирмоқда. Туманлардан биридаги 14 гектар буғдойзор ҳосилини бутунлай йўққа чиқарган. Эндиликда катта-катта майдонлардаги узумзор ва маккажўхори экинларини ҳам кемириб ташлаяпти», дейди у. Бундан ташқари дарахт меваларига очкўзлик билан чанг солаётганига нима дейсиз?

Садирбоевнинг гапларига

қараганда, бу турдаги каламушлар маҳаллий селекциячи томонидан яратилган. Яъни у одатдаги каламуш билан қундузни чатиштириб янги турдаги жонзот яратмоқчи бўлган. Ва яратди ҳам. Фақат қишлоқ хўжалиги учун зарар келтирувчи офат яратди.

Шунинг учун ҳам Қирғизистон парламенти бу кемирувчиларга қарши тезкор чора-тадбирлар кўрилишини сўраб ҳукуматга мурожаат этди.

«ҚИЗИЛҚУМНОДИРМЕТАЛЛОЛТИН»

ДАВЛАТ КОНЦЕРНИГА ҚАРАШЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИНИ

комбинатнинг 45 йиллиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз!

«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати бугунги кунда Қизилқум бойликларини ўзлаштириш бўйича кўп тармоқли, янги технологияларга эга қудратли комплексга айланган. У мустақил Ўзбекистон саноатининг байроқдори ҳисобланади.

Корхоналаримиз республиканинг бешта вилоятида жойлашган. Комбинатимизнинг замонавий янги технологиялар ва кончилик жиҳозлари билан таъминланган асосий қазиб чиқариш ва қайта ишлаш тузилмавий таркиби бутун Қизилқум ҳудудини қамраб олган.

Комбинатимизнинг олтин ва уран қазиб олиш бўйича бунёд этилган бешта йирик кончилик бошқармаси базасида бугун минглаб аҳоли истиқомат қилаётган Учқудуқ, Зарафшон, Навоий, Нуробод, Зафаробод каби замонавий шаҳарлар бунёд этилди. Бу масканлар бир-бири билан автомобиль ва темир йўл, ягона энергия тизимига уланган электр тармоғи билан ўзаро боғланган.

Таркибида олтин ва уран мавжуд бўлган рудаларни, фосфорит, мармар, гранит ва бошқа хомашёларни қазиб олиш, уларни қайта ишлашга ихтисослашган, дунёда ўз ўрнига эга бўлган комбинатимиз жамоаси 80 дан ортиқ хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилади.

Қизилқумнинг беаёв табиий-иқлимий шароитига қарамасдан қирқдан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат эллик олти минг нафар киши фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида комбинатимиз таркибида бир қатор янги корхоналар бунёд этилди. Булар — Учқудуқ шаҳридаги олтин қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси, Қизилқум фосфорит мажмуаси, Зарафшон ва Нуробод шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналаридир.

Шунга аминмизки, Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси республикамизда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги шароитда ва келажакда кончилик ҳамда уни қайта ишлаш саноатининг етакчиси, мамлакатимизнинг фахрига айланиб қолаверади.

Илло, шундай кўтаринки рух, меҳнатга бўлган иштиёқ ҳар бир юракни тарк этмасин!

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ МАЪМУРИЯТИ.



«СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН»

«Сержило тафаккур дурдоналаридан» номли (Т., «Наврўз», 2003, 320 б.) китоб босмадан чиқди. Ушбу китобда жамланган фалсафий ҳикматли иборалар ва мухтасар фикрлардан намуналар 2001 йилнинг октябрь ва 2003 йилнинг февраль ойлари давомида «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган эди. Таҳририятга ушбу намуналарни яхлит китоб шаклида чоп этиш ҳақида кўплаб таклифлар тушди.

Улар ўз ижросини топди. Шу муносабат билан мухбиримиз «Сержило тафаккур дурдоналаридан» рукни остида газетада эълон қилинган фалсафий ибора ва фикрлар ҳамда улар негизида чоп этилган китобнинг тузувчиси ва таржимони, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Абдулҳафиз Марахимович! Ушбу ишга қўл уришингизга нима туртки бўлди?

— Мен ушбу ишга қўл уришнинг сабаблари ва бунинг бевосита турткисини фарқлаган бўлардим. Авваламбор, сабаблар хусусида тўхталадиган бўлсак, улар, асосан, қуйидагилардан иборат. Биринчидан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви маънавият ва унинг уриб турган юраги — фалсафа илмига, унинг тарихи масалаларига устуворлик аҳамиятини бериш зарурати билан бизни рўпара қилди. Мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлаш нафақат ўз миллий фалсафий меросимизга мурожаат қилишни, балки, мазкур соҳада бутун башарият томонидан эришилган ютуқларни ҳам ўзлаштириш вазифасини олдимизга кўндаланг қилиб қўйди. Устига устак, ушбу ишни, шўролар тузуми давридан фарқли ўлароқ, мафкурабозлик майлларидан холи тарзда амалга оширишнинг имконияти ва зарурати туғилди. Мустақиллик тафаккурисиз миллий истиқлолни, миллий фалсафий тафаккурсиз мустақиллик тафаккурини, башарият-нинг фалсафий тафаккур соҳасида эришган ютуқларини ўзлаштиришсиз эса миллий фалсафий тафаккурни тасаввур этиш сира мумкин эмас. Айни шундан келиб чиқиб, Юртбошимиз И.А.Каримов кўп йиллар давомида ижтимоий ҳаётимизда фалсафанинг умуман, Шарқ фалсафасининг эса хусусан ўрни ва аҳамиятига кенг жамоатчилик диққат-эътиборини қаратиб келмоқда. Шу ўринда, у кишининг қуйидаги фикр-мулоҳазалари ўта муҳимдир: ***«Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?***

...Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. Шу боис ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик. Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин». Юртбошимизнинг мазкур даъватларига баҳоли қудрат жавоб беришни ўзимизнинг жиддий бурчимиз эканлигини биз ҳамиша теран ҳис этганмиз ва этамиз. Бу иккинчидан. Ушбу ишга қўл уришимизнинг бевосита турткиси масаласига келсак, бу хусусдаги тегишли таклиф бизга «Ўзбекистон овози» газетаси раҳбариятидан келиб тушди. Унга биноан, биз, мазкур ишни қўлимиздан келганича бажаришга ҳаракат қилдик.

— Уни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат?

— Мақсад битта. У ҳам бўлса – халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг фалсафий саводхонлигини янада юксалтириш ишига ҳисса қўшиш. Зеро, Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, айни фалсафа туфайлигина биз бахт-саодатга эришишимиз мумкин. Рене Декартнинг фикрича, танҳо фақат фалсафагина одамларни вахший ва ёввойилардан фарқ қилдиради. Файласуф уқтирадики, ҳар бир халқ қай даражада фалсафий мушоҳада юргиза билса, у шу даражада фуқаровий ва таълимлидир. Фалсафа тарихи фалсафий тафаккурни шакллантириш, уни ривож топтириш ва такомиллаштиришнинг беқиёс, тенги йўқ, мактаби, воситаси эканлиги сир эмас. Ўтмиш, айниқса, қадимги давр файласуфлари, донишмандлари, дин, адабиёт, санъат, давлат арбоблари ва бошқалар томонидан мерос қилиб қолдирилган ҳикматли фалсафий иборалар ҳамда мухтасар фикрлар ушбу муносабатда ўта муҳим аҳамият касб этадилар.

Китоб — содиқ дўст

Дунёда китоблар жуда кўп. Ҳаммасининг ўзига яраша қиммати, аҳамияти бор. Лекин, минглаб китоблар ичидан ўзида атиги битта пурҳикмат иборани мужассам этганини топишнинг ўзи амри маҳол иш эканлиги ҳам бор гап. Бироқ, шуни ҳам ёдда тутмоқ зарурки, кичик бир миқдордаги олтин миқдорлига эга бўлиш учун тонналаб қум ювилиб, қўлдан ўтказилади. Худди шундайин, битта ҳикматли ибора, пурмаъно сўзнинг пишиб етилиши учун қанчадан-қанча авлодларнинг юзлаб, минглаб йиллар давомида юз берган изтиробли, сермашаққат саъй-ҳаракатлари тақозо қилинган. Бундан 2,5-3 минг йиллар олдинги давр, асосан, қадимги Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон мамлакатларида худди мана шундай фалсафий ҳикмат ва ибораларнинг, гўёки, осмондан келган ёмғир каби, дув ёғилганлигидан далолат беради. Аслида, бу давр ушбу мамлакатлар халқлари учун аждодлар экиб кетган ҳосилни кўтаришдан ўзга нарса бўлган эмас. Қадимги хитойлик файласуф Конфуций бежиз ўз масъулиятини аждодлар меросини авлодларга етказишда кўрмаган бўлса керак. Ёки бўлмаса, Ньютон айтганидек, модомики, у ўзидан олдингилардан узоқроқни кўрган экан, демак, паҳлавонларнинг елкасида турган. Одамзод, агар у ўтмишдан сабоқ олмаганида эди, дарҳақиқат, мангу гўдаклигича қолиб кетган бўларди.

Кимки агар қадимгиларнинг ҳикматли иборалари билан танишмабди, демак, у бу дунёда яшамабди, деб жуда тўғри таъкидланган.

Ҳикматли ибора, бу – чиндан ҳам билимнинг пишганлиги, унинг ўз якуни, ниҳояси, поёнига етганлигининг ифодаси. У тафаккурнинг ўзига хос ёмбиси (олтин қуймаси)-дир. Аммо, серқирра, сержилва, ранг-баранг турфа оламни турли замонларда бир хил бўёкда, бирдай жўн, содда, ўзаро зиддиятсиз, жонсиз тушунчаларда тасвирлаш мумкинми? Йўқ, албатта?

Шунинг учун биз кенг китобхонлар оммасини мана шу тусдаги хорижий фикрлар тадрижининг XX асргача юз берган 3 минг йилдан зиёдроқ давр мобайнидаги умумий манзараси билан бир қадар таништиришга ҳаракат қилдик. Ушбу фикрлар билан танишиш китобхон учун якуний иш бўлмай, уни янада кенгроқ ва чуқурроқ изланишларга ундаш воситаси бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ўқувчи улар билан танишиш жараёнида яна шунга ҳам амин бўладики, олтин қуймаси каби қиёмига етган фикрларнинг деярли барчаси милоддан аввал айтиб бўлингандай кўринса-да, бироқ, уларнинг ҳаётийлигини таъминлаш – салбий иллатларни бартараф этиб, эзгу ниятларни рўёбга чиқаришнинг кенг имкониятлари бизнинг давримизда вужудга келмоқда.

— Китоб билан газетада чоп этилган ҳикматли сўзлар ўртасида фарқ борми?

— Мазмун жиҳатидан эмас, балки, миқдор жиҳатидан фарқ бор. Газетада 150 дан зиёд муаллифнинг 3 мингта якин фикр ва иборалари босилган бўлса, китобдан уларнинг бошқа фикрлари ҳам, шунингдек, қадимги Миср, Ҳиндистон ва осуриялик Ахикарнинг жами 400 атрофидаги ҳикматларидан намуналар

қўшимча тарзда ўрин олган.

— Яна битта савол. Нима учун газетада босилган ашёларнинг таржимони Муҳаммад Раҳим ўғли, деб қўйилган эди?

— Муҳаммад Раҳим менинг отамнинг исмларини қисқартирмасдан талаффуз этиш шакли. Бу усул фақат ягона мақсадда — газетанинг 2001-2003 йиллар давомидаги ҳар ҳафтада чиқадиган сонида бизнинг исми-шарифимизга диққат-эътиборни ортиқча жалб этмаслик мулоҳазаси нуқтаи назаридан қўлланилган эди, холос. Ахир, гап ишни ким қилаётганлигида эмас-ку?! Тўғрими?

Ўйлаймизки, олам, унинг моҳияти, инсон ва жамият, улар ҳаётининг маъно ҳамда мазмуни, шу билан бирга, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, донолик ва нодонлик, эркинлик ва зулм сингари мангу муаммолар хусусидаги турли замонлар ҳамда мамлакатларда яшаб, ижод қилган донолар бисотидан келтирилган фикр-мулоҳазалар намуналари кенг китобхонлар доирасида бирдай қизиқиш уйғотади, шунингдек, маънавиятимиз юксалишининг муайян омили бўлиб хизмат қилади.

Суҳбатни Алимқул СУЛТОН ёзиб олди.

Таҳририятдан: «Сержило тафаккур дурдоналаридан» китобини Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, Қошиқчи 1-тор кўча, 1-уйда жойлашган "MUTARJIM" шўъба корхонасидан сотиб олиш мумкин. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 104-10-28, 139-15-74.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Илм қишда эрийди, ёзда музлайди

Бу билан: «Илм олиш, ўқиш, мутолаа қилиш, асар ёзиш, ижодий иш билан шуғулланиш қиш мавсумида унумли бўлади. Қишда ҳавонинг салқин, совуқ бўлиши миянинг яхши ишлашига имконият туғдиради. Ёзда эса ҳаво керагидан зиёд исиб кетиб, кишининг нафаси қайтиб, лоҳас бўлиб, мия билан бўладиган ишни кўп-да унумли қила олмайди. Шунинг учун бундай ишларни қиларда қиш кунларидан иложи борича унумли фойдаланиб қолиш керак», дейилмоқчи.

Илонга сут берсанг ҳам, заҳар топар

Айтишларича, илоннинг энг хуш кўрган овқати — сут эмиш. Мазкур мақол билан: «Ёмонга қанча яхшилик қилсанг ҳам, барибир миннатдор бўлмайди, аксинча бу қилган яхшилигингдан ҳам бирор айб топиб, ўз ёмонлигини қилаверади», дейилмоқчи.

Газетанинг навбатдаги сони 27 сентябрь, шанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 862

7814 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

кимошди ва танлов савдоларини ўтказади.

2003 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРЬ ВА 3, 10, 17 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Аукцион савдосига қуйидагилар қўйилади:

«TOSHSHAHARNUR» давлат унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Мирзо Ҳайдар кўчаси, 3-уйда жойлашган «ELEKTRMONTAJ SOZLASH BOSHQARMASI» мол-мулклари (биносиз).

Бошланғич нархи — 16 380 700 сўм ёки 23 566 АҚШ доллари.

2003 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРЬ ВА 3, 10, 17 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Илмий-техник тараққиёти мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Х.Сулаймонова кўчаси, 29-уйда жойлашган шўъба корхонаси шаклидаги «NITEX» замонавий ахборот технологиялари агентлиги.

Бошланғич нархи — 947 000 сўм ёки 980 АҚШ доллари.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Ёрматов кўчаси, 2-уйда жойлашган «АЗИМУТ-РУМБ» давлат кичик корхонаси.

Бошланғич нархи — 9 967 900 сўм ёки 10 290 АҚШ доллари.

10, 17, 24, 31 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

«ONIKS» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Мирпўлатов кўчаси, 51-уйда жойлашган, умумий майдони 3731 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар.

Бошланғич нархи — 45 123 166 сўм.

26 сентябрь ва 3, 10, 17 октябрь кунлари қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 34 та ер майдон.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 12 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 648 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич нархи — 824 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган 1 та ер майдони

Бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги ер майдонлари:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 714 000 сўм.

10, 17, 24, 31 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Танлов савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, М.Ашрафий, 2-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган «Музқаймоқ» давлат унитар корхонаси мулкий мажмуаси.

Бошланғич нархи — 70 886 000 сўм.

Танлов шартлари:

1. Замонавий халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил этиш.
2. Қайта ташкил этилган корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлаш.
3. Корхонанинг мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш муддатлари.
4. Бино ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
5. Корхонани ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
6. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

26 СЕНТЯБРЬ ВА 3,10,17 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари

Танлов шартлари:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

ШУНИНГДЕК, ҲАФТАНИНГ ҲАР ДУШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА КУНЛАРИ БИРЖА САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «ТТЗ» даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 2-уйда жойлашган 9 қаватли ётоқхона биноси (А ва Б блокдан ташкил топган).

Бошланғич баҳоси — 133 181 000 сўм.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Шайхонтоҳур тумани Самарқанд Дарбоза кўчаси, Аричний берк кўчаси, 17-уйда жойлашган 29-сонли болалар боғчаси

Бошланғич баҳоси — 16 850 500 сўм.

Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уйда жойлашган «Kommunal Qurilish» давлат унитар корхонаси (мол-мулклари билан).

Бошланғич баҳоси — 1 308 900 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани Коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Мирзо Улуғбек тумани, Доғистон кўчаси, 56-уйда жойлашган «Қурилиш таъмирлаш корхонаси» (мол-мулклари билан).

Бошланғич баҳоси — 2 159 900 сўм.

Шайхонтоҳур тумани Коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уйда жойлашган «Таъмирлаш қурилиш бўлими» шўъба корхонаси.

Бошланғич баҳоси — 13 482 000 сўм.

1-Тошкент давлат медицина институтига қарашли, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган, фойдали майдони 5333,0 кв. метр бўлган 4 қаватли собиқ 7-сонли ётоқхона биноси қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 125 334 300 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳисобида бўлган ULV3L3IBDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобили кузови.

Бошланғич баҳоси — 990 286 сўм.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий Коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1А-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ўқув-методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлар.

Бошланғич баҳоси — 671 800 сўм ёки 966 АҚШ доллари.

«SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган Кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз).

Бошланғич баҳоси — 564 000 сўм ёки 1 324 АҚШ доллари.

Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6 мавзе, 8-уй манзилда жойлашган, умумий майдони 441.83 кв.м. бўлган собиқ 6-сонли тиш даволаш поликлиникаси.

Бошланғич баҳоси — 5 590 800 сўм.

Аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Танлов савдоларига ва аукцион савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Аукцион савдолар соат 11.00 да, Танлов савдолари соат 12.00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16а.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида заклад пули тўланади.

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали 19 сентябрь куни аукцион савдосида

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,04 га бўлган 57-сонли ер майдони 950 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. ***Телефонлар:*** 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

«Дон-нон» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Дон-нон» очиқ акциядорлик жамияти 2003 йил 14 сентябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2-сонли баённомасига асосан ўзининг мулк шаклини ўзгартириб «Дон-нон» МЧЖга айланишга қарор қабул қилди.

Ушбу қабул қилинган қарор бўйича шикоятлар жорий йилнинг ноябрь ойига қадар қабул қилинади.

Қатнашмаган акциядорларга! «Дон-нон» ОАЖга мурожаат қилиб, ўз акциялари доирасида масалаларини ҳал қилишларини эслатиб ўтамиз.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ